


ТЕТА- ШИФО

*Ҳаётбахш энергияни
фаоллаштиришнинг ноёб
усули*



ВИАННА СТАЙБЛ



Китобда даволанишнинг энг самарали усулларидан бири - Тета Ҳеалинг батафсил тасвирланган

Ушбу амалиёт табибнинг яширин потенциалини уйғотади ва сизга замонавий тиббиёт даволай олмайдиган касалликларни даволашга имкон беради.

Тетани даволаш усуллари жуда оддий ва китобдаги кўрсатмаларга амал қилиб, ҳар ким уларни ўзлаштириши мумкин. Тета даволашнинг асоси - инсон миясининг тета тўлқинлари диапазони. Тета ҳолатига тушиб, инсон ўз атрофидаги оламга ўз нияти ва шифоси билан ўзига ҳам, бошқаларга ҳам таъсир қилиш имкониятига эга бўлади.

Ушбу усулдан фойдаланиб, унинг яратувчиси Вианна Стайбл, сиз қўлингизда ушлаб турган китобингиз муаллифи, саратон касаллигидан даволанди ва ҳозирда гепатит С, ОИТС, хавфли ва хавфсиз ўсмалар, герпес, турли хил ирсий касалликлар ва бошқа касалликларни муваффақиятли даволамоқда. Унинг шогирдлари дунёнинг ўн тўрт мамлакатада шифолаш ишларини олиб боришмоқда.

Кириш -5

1. Тета -шифо усулининг пайдо бўлиши- 6
 2. Ўқитишни қандай бошлаганим ҳақида-9
 3. Инсонни "ўқиш" ва шифолаш асослари -15
 4. Манзилга олиб борувчи йўл харитаси-27
 5. "Ўқиш"-33
 6. Экстрасенсорик идрок марказларини очиш-43
 7. Тета шифо- 44
 8. Гуруҳда даволаш амалиёти-53
 9. Шифолашга нима тўсқинлик қилади-тўсиқлар-57
 10. Ишонч-эътиқод тизимлари-61
 11. Ишонч-эътиқод даражалари-66
 12. Туйғуларни яратиш- 87
 13. Асосий ишонч- эътиқодлар- 93
 14. Эътиқодлар билан ишлаш: кейинги шифолаш- 104
 15. Еттита мавжудлик плани-117
 16. "Шифокор, ўзингизни даволанг"-141
 17. Нариги дунёнинг эшиклари ва уларни очиш-149
 18. Қўриқчи фаришталар-155
 19. Адашган ва гуноҳкор рухлар, рухлар томонидан тананинг эгалланиши, энергетик тузоқ, қарғиш тегиши ва имплантлар -улар билан ишлаш-158
 20. Шифо ва уй ҳайвонлари, улар билан боғланиш-174
 21. Қалб (жон)билан ишлаш масалалари-175
 22. Тасаввур кучи-181
 23. Келажакни "Ўқиш"-187
 24. ДНК -190
 25. ДНКни фаоллаштириш усули -193
 26. Генларни алмаштириш-199
 27. Интуитив анатомия-204
 29. Интуитив "ўқиш" сирлари -216
 30. Камалакнинг болалари -223
 31. Бола ривожланиши -230
- Илова. Тета- шифо усуллари бир қарашда-254**

БАҒИШЛОВ

Бу китоб менинг худоим - бутун олам яратувчисига бағишланади . Ушбу китобда келтирилган маълумотлар фақатгина Унинг илоҳий иродаси орқали олинган.

Менга қандай ибодат қилишни ўргатган ва доимо ибодатларимиз албатта инобатга олинишига ишонтирган онамга бағишланади.

Менга китоб учун материал тўплашда ёрдам берган ва барча сафарларимда мен билан бирга бўлган , ушбу техникани бутун дунё бўйлаб тарқатишдек мақсадимни амалга оширишда ёрдам берган турмуш ўртоғимга бағишланади. Мен уни жуда севаман ва ундан жуда миннатдорман, унга миннатдорчилигимни сўз билан ифода этолмайман.

Мени ишимда илҳомлантирган болаларим - менинг энг яхши дўстларим ва ажойиб болаларимга бағишланади.

Менинг ҳаётимга қувонч ва барака олиб келган ажойиб невараларимга бағишланади.

Тета Ҳеалинг ўқитувчиларига ва бутун дунё бўйлаб ушбу техникага ҳаёт бағишлаган барча ажойиб инсонларга бағишланади. Бу ажойиб одамлар мен учун доимо қувонч манбаи бўлиб келган. Улар мени барча саёҳатларимда илҳомлантирган, мен улар учун дунёга энг муҳим техника ва тушунчаларни тақдим этаман.

Хали учрашмаган одамларимга бағишланади. Сизнинг йўлларингиз сизни улкан тинчликка ва ҳаётдаги барча яхшиликларга олиб келсин.

Ҳеч нарсага ишонманг.

Агар ўзингизнинг тушунчангизга ва умумий фикрлашингизга тўғри келмаса , буни қаерда ўқиганингиз ёки кимдан эшитганингиз муҳим эмас.

Будда

Кириш

Ушбу китобда мен сизга инсон томонидан яратилган энг самарали даволаш усулларида бири - Theta Healingni очиб бераман. Тета шифо -бу яратувчига йўналтирилган ибодат орқали одамни жисмоний, руҳий даволайдиган медитацион жараёндир. Бу ажойиб билим менинг ва бошқа кўплаб одамларнинг ҳаётини ўзгартирди. Ушбу техникани бажарилишининг асосий ва зарур бўлган шарти: **СИЗ ЯРАТГАНГА ИШОНИШИНГИЗ КЕРАК.** Мен яратувчининг кўп исмлари борлигини биламан:Худо, Будда, Шива, маъбуд, Исо, Тангри, Аллоҳ ва хоказо. Бироқ уларнинг ҳаммаси бир энергия оқими бўлиб , бунёдкор борлиқнинг еттинчи пландаги мавжудлик энергияси томон оқади. Тета шифонинг ҳеч қандай динга алоқаси йўқ, шунингдек бу даволаш усули миллат, ёш, жинс, мазҳаб, тил, эътиқод танламайди.

Яратганга ва яратганнинг кучига самимий ишонган ҳар бир киши мўъжизавий тета дарахти шохларидаги билимларга эга бўлиши мумкин. Ушбу китобда қуйидаги учта китоб бирлаштирилган, яъни “Юксал ва яратувчини топ”, “Юксалинг ва яратувчи билан яратинг” ва “ДНК-2: Кейинги кўрсатма” , ҳамда китоблар босмадан чиққанидан кейинги маълумотлар. Ушбу маълумотларни сиз билан баҳам кўраётган бўлсам ҳам, лекин фойдаланиш пайтида юз бериши мумкин бўлган оқибатлар учун жавобгарликни ўз зиммамга олмайман. Барча жавобгарлик сизнинг зиммангиздадир ва сиз ўз ҳаётингизни,бошқа одамларнинг розилиги билан уларнинг ҳаётини ўзгартириш учун кучга эга бўлганлигингизни англаганингизда, сиз бу масъулиятни мамнуният билан қабул қиласиз.

Эътибор беринг, ушбу китобда келтирилган воситалар, ёндошувлар ва усуллар профессионал тиббий ёрдам ва терапияни бекор қилмайди, уларнинг ўрнини боса олмайди.

Аввал малакали мутахассислар билан маслаҳатлашмасдан туриб жиддий соғломсизликларни даволашни бошламаслик керак.

ТЕТА-ШИФО методининг пайдо бўлиши

1994 йилдан, менда "Ориан" деб номланувчи техника пайдо бўлган вақтдан бошлаб замонавий тета-шифо техникасигача узоқ йўл босилиб ўтилди. Мен бу йўлни ёлғиз босиб ўтмадим, менга шогирдларим, тета конструкторларим ҳамроҳ бўлдилар

Theta Healing техникаси баҳор фаслидаги гўзал дарахт каби гуллаб-яшнамоқда, бутун дунё бўйлаб одамларнинг самимий қизиқишларини озиклантirmoқда.

Менинг исмим Вианна. Мен ҳозир Theta Healing деб номланувчи техниканинг асосчисиман. Мен нарсаларнинг моҳиятини интуитив равишда тушуниш учун туғма қобилият билан туғилганман, аввал бошида мен бу қобилиятимни шифолаш учун ишлатишга мўлжалламаганман. Менинг тадқиқотимнинг дастлабки мавзулари даосизм, соғлом овқатланиш ва доривор ўсимликлар эди. Мен бу соҳани шахсий соғлигим учун танлагандим. Айнан шу қизиқишларим мени "Табиий йўл"ни яратишга ундади - мен шу йўлда фаолият юритганман. Соғлигимдаги муаммолар туфайли мен натурапатия (гиёҳлар билан даволаш)га эътиборимни ажратганман

1994 йил март ойида, натурапатия курсини тугатганимдан кейин, мен ўзимнинг бизнесимни очдим, мижозларга массаж, диетолог маслаҳати ва натурапатик усуллар билан даволашни таклиф этдим. Кўп ўтмай мен тўғри йўлдан кетаётганимни англадим. Мен пул эвазига одамларни "ўқиш" таклифини берган экстрасенсни учратиб қолдим. Худди сеҳрли таёкча эгасидек бир зумда ўз офисимга ва мижозларимга эга бўлдим.

Ушбу "ўқиш"лар давомида яратганни тинглаш ва кўрсатмаларини эшитишим мумкинлигини англадим. Мен интиутив "ўқиш" соҳасида жуда катта мувоффақиятга эришдим, одамлар мендан бу техникани ўргатиш учун дарс ўтишимни сўрашди.

Шу тариқа менинг интуитив табиб сифатида фаолиятим бошланди. Шу пайтдан бошлаб менинг ишларим ривожланиб кетди. Мен ҳаёт йўлимни аниқлаб олдим. Бу орада менинг оёғимда соғломсизликлар бошланди. Оёғим вақти-вақти билан шишиб кетишни бошлади. Баъзида одатдагидан икки баравар катталашиб кетарди. Яллиғланиш ва оғриқ пайдо бўлди. Мен анъанавий тиббиётга мурожаат қилишимга тўғри келди. 1995 йил август ойида менинг ўнг оёғимга суяк саратони ташҳиси қўйилди.

Ўша пайтда ўтказилган барча таҳлиллар (тест) шуни кўрсатди. Суяк соҳаси бўйича мутахассис ўз тажрибасида бундай соғломсизликка атиги икки марта дуч келганлигини айтди ва оёқни ампутация қилиш (кесиб ташлаш) таклифини берди. Бу менинг умримни озроқ вақтга чўзиши мумкин эди.

Гўё атрофимни зулмат қоплаган эди. Менга биопсия учун Юта штатида жойлашган Университетга йўлланма беришди. У ерда шифокорлар таҳлил учун суяк намуналар олиши керак эди, бошқа иложим йўқ эди. Мени Ютага, ўша пайтдаги турмуш ўртоғим Блейк, олиб борди. Мен машинада тўрт соатлик йўл давомида чидаб бўлмас оғриқни ҳис қилдим. Мени Юта шифохонасига ётқизишди. Муолажа давомидаги қандай қилиб оёғимга болғача билан ураётгани ва бошқа муолажаларнинг ўтказилишидаги дахшатли нолаларимни тасвирлаб

Ўтирмайман. Менга бир кеча шифохонада қолиб ўзимга келиб олишимни тавсия қилишди. Лекин суғурта полисим йўқлиги сабабли қола олмасдим. Блейк шифокорларни кетаётганлигимиз тўғрисида огоҳлантиргач, йўлга тушдик. Кучли оғриққа қарамай биз машинага ўтирдик ва Блейк мени акасининг уйига олиб борди. Шифохонадан чиқаётганимда шифокорлардан бири менга соғломсиз оёғимга оғирликлик туширмаслигимни тавсия қилди, бу синишга олиб келиши мумкинлигини айтди. Хар қандай ҳолатда ҳам яшашим учун икки ойдан ортиқ вақтим қолмаганлигини маълум қилди. Биопсияга бориб келганимдан кейин мен олти ҳафта мобайнида қўлтиқтаёқда юрдим. Бу даврда мен чидаб бўлмас оғриқни бошдан кечирдим. Умримнинг сўнгги дақиқаларини кутиб уйнинг у бошидан бу бошигача судралиб ҳаракат қилардим. Бутун ҳаётим чил-парчин бўлган эди

Шунга қарамай мен ишлашда давом этдим. Мен ўзимга нисбатан шафқатсиз бўлганлигим учун эмас, балки пул жуда зарур бўлганлиги учун миждозларни қабул қилишда давом этдим. Ўзи Блайкка яқиндагина турмушга чиққандим, хали муносабатларимиз мустаҳкамланмай туриб менинг соғлигим ёмонлашиши унга юк эди. Мен уч нафар болаларимни қолдириб ётиб олишим мумкин эмас эди. Уларни ҳақиқий отасиникига жўнатиб юбориш ёки қариндошларга бериб юборишни ҳаёлимга ҳам келтира олмасдим ва фарзандларга бўлган меҳрим мени ҳаракатга ундарди. Менинг соғломсизлик давримда интуитив тушунчаларим кенгайди, миждозларни “ўқиш”ларим аниқлашди, яратган билан алоқаларим мустаҳкамланди.

Аста-секин оғирлаша бошладим. Мен хар доим ҳаётим порлоқ бўлишига ишонардим, аммо бу ҳолатда бундай порлоқ ҳаётга қодир эмаслигимни англадим. Тангрига ич-ичимдан ёлвордим : “Нега мен билан бундай бўлди? Нега мен оёғимни йўқотишим керак? Роббим, нега ўлишим керак? Хали мен бажаришим керак бўлган қанча ишлар бор! » Дуолар қилар эканман, мен бир овозни эшитдим, гўё сўзловчи мен билан бир хонада, ёнимда эди: “Вианна, оёғинг борми, йўқми сен тириксан. Сен ўзингдаги бор нарса билан давом эт!” Олган жавобим мени хайратга солди, айнан шу пайтда мен учун кераклиси шу эди. Дарҳол танамни даволаш учун барча имкониятларимдан фойдаланишим кераклигини тушундим. Менинг атрофимдаги табиблар менга оғирлигини тушуниб ёрдам беришни бошлашди. Уларнинг қўллашлари туфайли ўша пайтда тирик қолдим.

Менинг кўринишим қайғули эди, қўлтиқтаёқларда юриб массаж қилардим, оғриқдан тишимни тишимга қўйиб офисда ҳаракатланардим. Ўлганинг устига тепгандек яна оёғимга стафилококк инфекциясини юктириб олдим. Буниси энди ортиқча эди. Етар, бас! Энди астойдил ўзим билан шуғулланишим керак эди . Мен ҳеч қачон анъанавий тиббиётни инкор этмаганман. Сизларга ҳам дипломли шифокорларга хар доим кулоқ тутишни маслаҳат бераман. Шуни айтишим керакки, мен айна вазиятда шифокорлар хато қилганини қалбан ҳис қилдим. Менда суяк саратони йўқ эди. Мен ўз сезгимга (интуициямга) ва яратувчидан келган маълумотга ишониб, натуропатия соҳасидаги билимларимга мурожаат қилдим. Баданимни интенсив тозалашга эътиборни қаратиш муҳимлигини англадим ва лимон шарбати, сауналар билан тозалашни бошладим. Мен кўп вақтимни саунада ўтказа бошладим. Кунига тўрт соатгача. Бу вақтда мен

шифокорлар менга нотўғри ташҳис қўйганлигига ўзимни ишонтирдим. Витамин ва минераллар билан озикландим, яратганга ибодатимни тўхтатмадим.

Лекин ўзимни заиф ҳис қилардим. Ваниҳоят биопсия натижалари келди, илгари ўтказилган ташҳис тасдиқланмади. Шунга қарамай биопсия шуни кўрсатдики, менда соғлом суяк тўқимасидан ташқари, ўлик хужайралар ҳам мавжуд экан. Синов натижаларим Майё клиникасига юборилди ва у ерда менда лимфа саратони борлигини аниқладилар. Бу симоб (ртуть) билан захарланишнинг асорати эди. Мен ушбу маълумотни яратгангандан сўраб билдим. Танамдан симобни олиб ташлашнинг йўлини қидира бошладим. Яратганнинг иродаси билан танамни тозалашга киришдим. Оёқларим шишлари камайиб, жойига қайта бошлади. Шифокорлар нормал юриш қобилиятини тиклаш учун физиотерапия муолажаларини олишим кераклигини айтишди.

Мен қалбимнинг туб-тубида тўлиқ тузалиб кетишимга ишондим. Ҳар қандай қийин паллаларда мен ўзимнинг ички сезгимга ишондим. Анъанавий тиббиётга мурожаат қилдим, танамни тозаладим, ёғларни ювдим, аффирмация ва визуализациялардан фойдаландим. Аммо соғломсизлик танамни тарк этай демасди. Мен ўз ибодатларимга жавобни саёҳатда-тоғда олдим. Бир неча дўстлар билан тоза ҳаводан нафас олиш учун тоғга чиққандик, ўтлоқ жойга палатка тикдик, кечки овқатга тайёргарлик кўрдик. Биз билан бирга Орегонлик холам келганди. Ҳаммамиз уйимиздан олиб келган егуликларни танавул қилдик. Бир маҳал холамнинг қорни оғриб қолди. У чодирлардан бирида ётар эди, мен унга ёрдам бериш учун дарров етиб бордим. Холам менинг натурапатия билан шуғулланишимни билар эди, лекин ёнимда ҳеч қандай шифобахш гиёҳ йўқ эди. Мен унинг ташқи ҳолатидан аппендицит хуружи бошлаганлигини гумон қилдим. Мен (ўз онгимни унинг танасига кириши орқали) унинг танасини сканерлашни бошлаб юбордим. Мен аввал ҳам бошқа мижозлар билан бу ишни кўп маротаба такрорлаганман. Унинг танасини “ўқир” эканман яратганга мурожаат қилдим ва оғриқ сабабини сўрадим. Юқоридан “ичак лямбляси” деган жавоб келди. Мен оғриқдан холамнинг танасини дарҳол тарк этишини сўрадим. Бир неча сониядан кейин оғриқ бутунлай тўхтади. Холам ўзини яхши ҳис қилди ва ўрнидан турди. Бу ҳолат мени жиддий ўйлашга мажбур қилди.

Эртаси куни менинг олдимга бел оғриғи билан бир мижоз келди ва мен холамда қўллаган усулни такрорладим, оғриқ бир лаҳзада йўқолди. Ўша оқшом мен сўнгги кунларда содир бўлаётган ҳодисалар ҳақида ўйлайдим ва бу усулни ўзимда синаб кўришга қарор қилдим. Мен эртаси куни ўз офисимга кўлтиктаёқларда судралиб борар эканман, мендаги соғломсизликдан кутилишнинг нақадар осон бўлиши мумкинлигидан ажабланардим. Мен офис эшиги олдида туриб қолдим ва танамни энг юқори чакрам орқали тарк этиб яратганга ибодат қилдим, кейин ўзимдаги соғломсизликка менинг танамни тарк этишини буюрдим ва бу иш берди. Чап томонидан етти сантиметр қисқароқ бўлган оёғим жойига қайтиб қолди ва оғриқ бутунлай йўқолди. Соғайганимдан бахтиёр эдим, куни билан беихтиёр оёғимни ушлаб кўрадим, оғриқ қайтган-қайтмаганлигини текшириш учун. Бугунги кунгача менинг соним бутунлай соғлом, барча таҳлиллар жойида. Менда энди лимфа саратони йўқ.

Яратганга беҳисоб миннатдорчилик билдириб, бу техникани сўраган ҳар бир кишига бериш ҳақида ўзимга қасам ичдим. Бу - бугунги кунда биз фаол фойдаланадиган Тета-шифо техникасидир. Мен оёғимнинг рентген қоғозини ханузгача сақлаб қўйганман. Бир неча йил аввал мен бу рентген пленкасини мутахассис профессорга кўрсатдим, у бу рентган қилинган одамнинг аллақачон ўлиб кетганлигини айтди. Мен ўз техникамни синовдан ўтказган кейинги мижоз бу-кичкина қизча эди. Одри Миллер исмли аёлнинг набираси эди, унинг соғлигида кўплаб муаммолари борлиги учун менинг хузуримга олиб келганди. Мен ундан нега набирасини айнан менинг хузуримга олиб келганлигини сўраганимда, у оллоҳнинг иродаси билан келганлигини айтди.

Одри Миллер қандай қилиб бу чиллашир қизчани менинг қўлимга берганини яхши эсламан. Қизнинг юрагида ҳансираш бор эди, оёқларидаги тизза косалари жойидан қўзғалган, яна кўплаб соғломсизликлари мавжуд бўлган, аянчли ҳолатда эди. Бу техника орқали мен тuzалдимми, демак бу қизча ҳам тuzалиши мумкинлигини англадим. Одри Миллерга қизчани даволаш учун олти кун вақт кетишини айтдим. Мен янги техниканинг иш беришидан бир оз хавотирда эдим. Кейин хаёлан яратганга мурожаат қилдим:- Яратган эгам, мана шу гўдакни даволашга менга ёрдам бер! Яратганнинг кўллаб -қувватлаши билан мен муолажани бошлаб юбордим. Мен қизча билан ҳар куни ярим соатдан вақтда ишлашим учун Одри олти кун икки соатлик йўлни босиб келди. Мен уни анвойи гуллар очилган боғчада, гуллар соясида ўтириб муолажа қилдим. Қизча кўлларига маҳқамланган қўлтиқтаёқчалар билан юрар эди, муолажанинг учинчи куни у бувисининг оғушига қўлтиқтаёқсиз боришни истаётганини айтди, хали бунга эрта эканлигини тушунтирдим, аммо у ўжарлик қилиб туриб олди ва ҳеч қандай ёрдамсиз бувиси томон бир ярим метр юрди. Мен хайратланиб хурсандлигимни яшира олмасдим. Кейин унинг орқа томони (тешиги)дан қандай қилиб лентали глистлар(гижжа) чиқаётганлигининг гувоҳи бўлдим. Юрагидаги безовталиклар тўхтади. Уч кунда бир килограмм, олти кунда 2 килограмм вазнга тўлишди. Кейин муолажаларни физиотерапия билан давом эттирди. Бунинг нималигини билмайман, лекин бу техника ишлади. Мен ўз кашфиётимдан илҳомланиб, бошқа мижозлар билан шу техника бўйича ишлашни давом этдим. Бу усул билан турли хил соғломсизликларни даволаб кўрдим. Дунёнинг кўп бурчакларидан одамлар оқими кела бошлади. Жуда кўпларини бир лаҳзада, баъзиларини бир неча кунлик сеансларда даволадим. Баъзи мижозлар эса тuzалмади. Мен барча даволаниш миянинг тета фазасида бўлганида содир бўлишини тушуниб етдим. Мен бу ҳолат ҳақида билардим. Сабаби собиқ эрим гипотерапевт (гипноз орқали даволовчи) бўлиб ишлаган, унинг китоблари жуда кўп эди. Унинг онгости ҳақидаги китобларини ўқиб чиқдим. Менинг назариям шундан иборатки, биз аввал тета ҳолатига кириб, у ердан соғайиш жараёнини бошқарамиз. Агар менинг назариям тўғри чиқса, бу ишончга асосланган даволаш бўйича буюк бурилишдир .

ЎҚИТИШНИ ҚАНДАЙ БОШЛАГАНИМ ҲАҚИДА

Тета ҳолатида шифони тушунтириш- бу осон эмаслигини билардим. Кўпгина гипнотерапевтлар даволанувчининг миясини тета ҳолатига келтирадилар ва ажойиб натижаларга эришадилар. Биз эса худди шу ҳолатда яратганга илтижо

қилиш орқали илохий энергияга, худдики электр тармоғига уланиб, бир зумда беморни даволай олишимизга амин бўлдим. Мен бу орқали ажойиб натижаларга эришдим. Лекин бунинг қандай ишлаш механизмини тушунганимдан кейин ўз амалиётимни янада мукамаллаштира олишимга ишондим. Инсон мияси беш хил частота ҳолатида ишлайди: альфа, бетта, гамма, дельта ва тетта тўлқинлари диапазонида. Мия доимий равишда барча частота диапазонида тўлқинлар келтириб чиқаради. Сиз қилаётган ҳамма нарса ва айтганларингиз миянгиз частотаси билан бошқарилади. Тета ҳолати-чуқур бўшашиш ҳолатидир, айнан гипнотик трансга киритишда фойдаланилади. Тета фазасида мия тўлқинлари секинлашади, уларнинг тебраниш ҳолати секундига тўрт-етти циклгача. Дарвешлар мутлоқо хотиржамлик ва сокинлик ҳолатига кириши учун соатлаб медитация қилишади. Тета тўлқинларини биз онгостининг ўзимикин деб ҳам тахмин қилишимиз мумкин. У бизнинг хотираларимиз ва ҳиссиётларимизнинг(онг ости дастурларимиз) бир соҳасидир. Улар бизни онг ва онгости билан боғлаб турувчи воситани англатади. Тета тўлқинлари бизнинг қарашларимиз, эътиқодларимиз ва хатти-ҳаракатларимиз учун ҳам жавобгардир. Улар бизда ижодий туртки ва илҳомни уйғотади. Тета тўлқинлари ҳумронлик қиладиган одам, юқори рухий ҳиссиётлар оғушида бўлади. Бу ҳолатдаги одамлар онгости даражасида ҳаракатда бўлади деб ишонилади. Тета-ҳолат ўзининг кўпқиррали имкониятлари билан ҳайратда қолдиради. Уни транс ҳолати билан ҳам тенглаштириш мумкин. Масалан, видеоўйинларнинг ичига кириб кетган болалар атрофида нима бўлаётганини англолмай қолади. Тибетлик монахларни ҳам мисол келтиришимиз мумкин. Қаттиқ совуқда ўз таналари билан бир неча сонияда ҳўл кийимларини қуритадилар. Қадимги даврларда Гавая сеҳрларлари иссиқ лава устида юриш учун тета ҳолатига киришган.

Мен ушбу техникани кичик гуруҳдаги талабаларга ўргатишни бошладим. Биринчи дарс давомида бир талаба ўрнидан туриб тета ҳолатидаги одам онглиликни мутлоқо сақлаб қолиш мумкин эмаслигини айтди. Бу ҳолатни фақат гипноз вақтидагина сақлаб қолиш мумкин- деди. Акс холда миянинг бошқа тўлқинлари босқини албатта юзага келишини айтди. Менинг назариям яхшилигини , лекин ҳақиқатдан йироқлигини билдирди.

Мен ўзимнинг назариямни тўғрилигини исботлаш учун менда янги интилиш пайдо бўлди. Бахтимга менинг дўстларимдан бири физик эди, у ядровий объектлардан бирида ишларди. У назарияларимни тасдиқлаш учун экспериментлар ўтказишга электроэнцефалограф қурилмасини тақдим этди. Биз даволашнинг турли усулларида фойдаланадиган кишиларни экспериментга таклиф этдик. Масалан рейки билан шуғулланадиган одамлар ўзларининг мияларида альфа тўлқинларидан фаол фойдаланишини аниқладик. Дарҳақиқат , альфа тўлқинлари ёрдамида мўъжизалар яратиш мумкин. Хаттоки, айрим япон олимлари альфа тўлқинлари оғриқни енгиллаштириши ва танани енгиллаштиришига тўлиқ ишонишади.

Бундан ташқари тета ҳолатнинг шифоловчи хусусиятини борлигини исботладик. Бу усулни ўрганаётганлар ҳам , ўрганмаётганлар ҳам, умуман ҳар қандай одам ушбу ҳолатга кира олишини исботладик. Ушбу ҳолатни мен “яратувчининг онги” деб атайман , барча соғломсизликларни даволаш мумкинлигини тасдиғини кўрдик.

Мен ҳаммага иложи борича тезроқ ахборот беришни давом этдим. Менинг дарсларимга ажойиб одамлар кела бошладилар ва уларнинг ҳаммаси ушбу техникани эгаллаш учун интила бошладилар. Одамлар оқими кўпайиб кетди. Дарс бериш ва даволашни биргаликда олиб боришим самара берди. Самарадорлик ошгани сари мижозларим сони кўпайиб борди. Аммо барибир уларнинг баъзиларини даволай олмасдим. Мижозларимдан бири қандли диабет соғломсизлигига чалинган эди. Муолажа пайтида азоб чекиб бўлсада оёғининг ва баъзи соғломсизликларининг холати яхшиланди, лекин асосий соғломсизлигидан кутила олмаганди, мен ҳам диабетни енгишга қодир эмас эдим.

Қонда шакарнинг сақланиб қолиши хавфли эди. Мен бунинг сабабчиси ўзгача бир хромосома экнлигини яхши билардим. Хаттоки танага аввалги соғлом холатига қайтишни ҳам буюрдим, аммо тана буни хоҳламади, сабаби тана ўзини шу холатда жуда яхши деб ҳисобларди. Мен бу аёл танаси билан ишларканман, ўзим учун жуда катта бир нарсани кашф этдим. Яратувчига мурожаат қилганимда диабет келтириб чиқарувчи хромосома ҳақида сўрадим, у эса менга бошқа бир хромосомани кўрсатди. Бу ёшлик, яшовчанлик ва қувват (энергия) хромосомаси эди.

Кейин яратувчи товуши орқали мен инсон ДНКсининг тарихини тинглай бошладим. Бу ДНК инсон эволюцияси жараёнида пассивлаша бошлаганини билиб олдим.

Қадимги даврларда инсон онги сифати бошқача бўлганлиги, одамлар ўз танасини ёшартириши мумкин бўлганлигини билдим. Аммо минг йиллар олдин инсон бу қобилиятини йўқотган. Лекин бизнинг онгимиз баркамолликка эришадиган бу янги эра даврида ушбу хромосомани қайтадан уйғотишимиз мумкин. Менга ДНК кодини тиклаш орқали ёшлик ва ҳаётийликни қайтариш қобилияти калитларини қайтариш инсоният учун зарурлигини айтишди. ДНКни топиш ва уни қайтариш бугунги кунда инсоният учун жуда муҳим ҳисобланади. Бизнинг саноат индустрияси ривожланган, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, токсинларнинг кўпайиши одамларни яна ўзлари устида ишлашларига олиб келади, одамлар сезгилари устида ишлай бошлайдилар

Одамлар ривожланаётганларида уларнинг таналари материя дунёсига сезгирроқ бўлишади, ёшлик ва навқиронлик хромосомасини тиклаш уларга омон қолишларида ёрдам беришлигини айтди. Мен бу кашфиётдан шунчалик хурсанд бўлдимки, мени ташвишга солиб турган диабет соғломсизлигини ҳам унутдим. Мен аёлни қучоқлаб олдим, муолажани эртага давом эттиришимни айтдим. Бу нарса билан ўша пайтдаги дўстларим Кевин ва Крис билан ўртоқлашдим. Мен янги кашфиёт ва кўрган нарсаларимни гапириб бердим. Менга ушбу хромосома бўйича ишлаш кўрсатма берилганлигини айтдим. Менинг айтганларимни улар қизиқиш билан эшитдилар. Мен яна тета холатига ўтиб ушбу хромосома ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўла бошладим, яратгандан янги кўрсатмалар ола бошладим. Яратган менга хромосомага қандай таъсир қилиш йўллариини ўргата бошлади. Бу ДНКни фаоллаштириш бўйича ишларнинг бошланиши эди. Яратувчи менга ДНКни фаоллаштиришдан аввал унинг фантом сегментларини фаоллаштириш зарурлигини айтди. Шунини яхшилаб тушуниш керакки, бу

операцияни бажаришда биз танага ҳеч нарса қўшмаймиз, бор йўғи танада ўзи бор бўлган нарсани фаоллаштирамиз

ДНКни ўзимда фаоллаштирганимда мендаги сезги қобилиятларини янада оширди, юзимдаги ажинлар йўқолиб, танам ёшара бошлади

Бир куни шундай бўлди, мен ўша пайтда радиода ток-шоу олиб бораётган эдим ва кейинги кўрсатувимни тета техникаси ҳақида гапиришга бағишлашга қарор қилдим. Радиостанция ходимлари мендан дастур нима деб номланишини сўрашганда, мен Тета Ҳеалинг ҳақида гаплашмоқчи эканлигимни айтдим. Кейин улар менга бошқа ном танлашни тавсия беришди - уларга дастурнинг мавзуси томошабинлар орасида Саентология билан боғлиқ бўлиб туюлишини билдиришди.

Мен бу ҳақда Кевин ва Крисига айтиб бердим ва биз технологиямизни яна нима деб аташ мумкинлиги ҳақида ўйлай бошладик. Эсимда, ўшанда биз офисимизнинг зинасида ялангоёқ ўтирган эдик ва чин дилдан кулиб хо-ҳолаб кулишгандик. Ушбу услуб турли вақтларда бошқача номланганлигини эсладик. 1928 йилда яновиденияни ривожлантириш учун фойдаланилган биринчи вариантларидан бири "Уилсон техникаси" деб номланган. Аммо биз бундан олдинги исмни эсладик ва техникамизни "Ориан" деб аташга қарор қилдик.

Шунинг учун биринчи йилларда мен ушбу услубни шундай номладим, гарчи мен Тета Ҳеалингни кўпроқ ёқтирсам ҳам. Энди биз мия тўлқинлари туфайли Тета шифо номини ишлатамиз, бу қадимги Миср ва қадимги Юнон алифболаридан келиб чиққан тета ҳарфи билан белгиланган. Бошидан келиб чиқиши, тета ҳарфи "жон" деган маънони англатади. Ориан техникаси дастлаб ДНК фаоллашуви билан боғлиқ эди, Тета шифо усули эса танани тўлиқ соғайиш тизимидир.

Менинг Тета Ҳеалинг ҳақидаги эшиттиришимдан сўнг, ушбу услуб кенг тарқалди. Мен Яратувчидан ваҳий олдим: у мендан шахсий ҳаётимда нима бўлишидан қатъи назар, одамлар орасида бу билимларни тарқатишни тўхтатмаслигимни сўради. Мен Яратганга бундай ролга мос эмаслигимни айтдим. Очиги, биз Яратувчи билан кетма-кет бир неча соат мунозара қилдик. Ва охир-оқибат, мен унга олган билимларимни дунёга етказиш учун сўз бердим, гарчи менга бундай масъулият ва у билан боғлиқ қийинчиликлардан кўрқардим.

Мен ўзимнинг далилларимни Яратганга қандай етказганимни эслайман: "Агар сиз ўз билимларингизни дунёга етказишимни истасангиз, менга шундай бир шифокорни юборинг, у бу хромосомаларнинг табиий равишда ишлашини ва тананинг табиий мулки эканлигини тасдиқласин. Сиз менга китоб ёза оладиган одамни ҳам юборишингиз керак, чунки менинг ишим кўп, китоб ёзиб ўтиришга вақт топа олмайман"-дедим. Ундан буларни сўрашимга кўп сабаблар бор эди. Ўғлимнинг хотини ҳомиладор эди, бундан ташқари, қизим ҳомиладор эди ва иккаласи ҳам мен билан яшашарди. Бундан ташқари, эрим билан ажралиш жараёнининг оғирлигидан чарчадим ва менинг дунём том маънода бўлиниб кетаётганини ҳис қилдим. Яратувчи менга барибир Тета Шифолаш техникасини бутун дунёга ёйишим кераклигини айтади! Мен буларнинг барчасини қандай бирлаштиришни тушунолмасдим.

Шунинг учун, Яратувчи менга: "Вианна, бу китобни ўзинг ёзасан!", деганида, мен хайрон бўлдим. Аммо кейин мен ҳеч қачон Худо одамдан унга ишониб топширилган вазифани бажаришга имкон бермасдан ҳеч нарса талаб қилмаслигини эсладим. Яратувчи билан суҳбатимиздан кўп ўтмай, юқорида айтиб ўтилган Одри Миллер кутилмаганда менинг хонамга кириб, "Универсал нур ўтказгичлари" номи остида ташкил этилган конференцияга боришини айтди. Мен анжуманнинг эълонини кўрдим ва боришни хоҳладим, аммо бунга имкониятим йўқ эди. Ва бу ажойиб аёл келиб, харажатларимни тўлашини истади. Унинг сўзларига кўра, мен конференцияда у ерда гапирадиган битта шифокор билан учрашишим керак, чунки у ДНК ҳақида гапиради. Одри ДНКни фаоллаштириш бўйича менинг ишим ҳақида билар эди ва биз у билан албатта гаплашишимиз керак деб ўйлади.

Бироқ, сафардан бир неча кун олдин, мен иккиланишни бошладим, чунки мен болаларим улар учун қийин бўлган пайтда ёлғиз қолидиришни хоҳламадим. Бу ҳақида қанча кўп ўйласам, шунчалик ўзимни ёмон ҳис қилардим. Мен бориш ёки бормаслик ҳақида ўйланиб ҳаддан ташқари иккиланиб қолди. Кейин боришга қарор қилдим. Нимасини айтай, мен конференцияга келганимданок руҳан чарчаган эдим. Яратганга менга юборишини сўраганим шифокор, менинг биринчи учратган одамим бўлди. Ўша пайтда у ДНКни лазер ёрдамида тадқиқ қилиш бўйича кенг кўламли иш олиб борган. У менга жуда кенг дунёқарашли одам бўлиб туюлди, шунинг учун мен у билан визуализация ва ДНКнинг фаоллашиши ҳақида суҳбатлашишга ҳаракат қилдим. Биз гаплашаётганимизда, у менга илмий тилда хромосома ичига кирган нарсаларим қандай ишлашини тушунтирди ва бундан ташқари, у нафақат менинг кузатишларимни тасдиқлади, балки агар мен махсус маълумотга эга бўлмасам ҳам, буларнинг барчасини қаердан билишимни сўради. Мен унга билимим яратгандан эканлигини тушунтирдим.

Доктор менинг қобилиятларим билан қизиқди ва учрашувимиздан сўнг, менга унинг олдида беморларни кўришим учун кўнғироқ қила бошлади. У менинг қобилиятларимни синаб кўришни истаб, уларнинг таналарида нима кўрганимни сўради ва кейин хайрат билан менинг хулосаларимни тасдиқлади.

Ўша конференцияда мен китобларни нашр этиш билан шуғулланувчи Роберт исмли одам билан учрашдим. У метафизика билан шуғулланган ва менинг ДНК ҳақидаги билимларим билан ҳам қизиққан. У менинг олдимга Айдаҳо шахрига келишга рози бўлди. У келганида, мен унга ДНКни фаоллаштириш жараёнини тасвирлаб бердим ва биз кичик бир китобнинг ҳаммуаллифлари бўлишимизга келишдик. Аммо Калифорнияга қайтиб келганида, у китобни ўзи ёзган ва ўзини унинг муаллифи деб номлаган ва менинг исмим сарлавҳа саҳифасининг пастки қисмида кичик ҳарф билан босилган. Менинг даҳшатга солган нарса, у асл материални шунчалик ўзгартирган ва шунчалик кўп қўшганки, у мен берган билимларнинг моҳиятини бутунлай бузиб кўрсатган. Ушбу китоб 1997 йилда нашр этилган. Бу мени қаттиқ хафа қилди, мен ўзимни алданган ҳис қилдим ва одамларга умуман ишониш керакмасми, деб ўйлай бошладим. Шунга қарамай, ушбу ҳолат менга фойда келтирди. Бу воқеа менинг биринчи китобимни ёзишга мажбур қилди, мен "Вознесись и найди создателя" номли биринчи китобимни нашрдан чиқардим. Яратганга берган ваъдамга биноан, 1998 йилда мен курсларни ўқитишни бошладим. Мен ДНК-1 деб номлаган ушбу курсларда ДНКни

фаоллаштириш ва Ориан техникасининг асосларини ўргатдим. 1999 йилда мен биринчи "Инструкторлар курси" ни ташкил қилдим; ундан ўтганларга Ориан техникасини ўзлаштирганликлари тўғрисида сертификат топширилди. Машғулотлар Айдаҳо штатидаги Ла Белл яқинида Трипле Креек ёд деб номланган жойда ўтказилди. Ҳозирда курслар йилига бир неча марта ўтказилади ва шу вақтдан бери мен кўплаб сертификатланган ўқитувчиларни ўқитдим. Ушбу курс учун "ДНК-2: инструкторлар учун қўлланма" ёзилди, шундан бери унинг таркиби доимий равишда янгиланиб турди. Яратувчи ҳақ эди. Мен Унинг билимларини одамларга етказишни бошладим.

Вақт ўтди, мен Яратувчидан тобора кўпроқ маълумот олдим ва 2000 йилда навбатдаги "Яратувчи билан бирга кўтарилинг" китобим нашр этилди. Ушбу китобда, биринчи марта, мен Яратган томонидан менга берилган онг ости дастурлари (убеждение) билан ишлаш услубини тасвирлаб бердим. Тахминан бир вақтнинг ўзида, ДНК-1 курси (кейин икки кун давом этди) ДНК-2 курсига айланди, у уч кун давом этди ва бу ерда мен одамларга эътиқод билан қандай ишлашни ўргатдим. 2000 йил охирида мен нафақат АҚШда, балки бошқа мамлакатларда ҳам дарс беришни бошладим. Беморлар билан ишлаш пайтида мен яратган энг ажойиб кашфиёт соғлиқ, энергия ва ҳаётийлик калитлари бизнинг қўлимизда эканлигидир.

Менга бағишланган маълумотлар ҳар бир кишига бир зумда уларнинг тақдирини бошқарадиган ўз эътиқодлари ва дастурларини ўзгартиришга имкон беради. Булар биз болалигимизда ўрганган эътиқодлар ва дастурлардир. Ушбу эътиқод дастурларининг баъзилари ҳатто авлоддан-авлодга ўтказилиши мумкин. Ушбу китобни ўқишни давом эттириш билан, сиз ўзингизнинг мавжудлигингизнинг тўртта даражасида: асосий, ирсий ва наслий эътиқод даражаларида, шунингдек руҳ даражасида ишлашни ўрганасиз. Ушбу тўрт даражадаги дастурларни олиб ташлаш ва алмаштириш ҳар қандай жисмоний касаллик билан муваффақиятли курашишга имкон беради. Эътиқодлар билан ишлаш сизга ҳиссий гуруҳга кириш ва чиқишга ёрдам беради. Шунингдек, эътиқод билан ишлаш ҳаётингизни ўзингиз хоҳлаган тарзда қуришга имкон беради, чунки аслида биз ўз тақдиримизнинг яратувчисимиз ва барчамиз Худодан ажралмасмиз. Мен сизнинг эътиқодларингизни бутунлай ўзгартиришга, уларга бўлган салбий таъсирни зарарсизлантиришга ва ўзингизнинг ҳаётингизни ўзингиз яратишга ёрдам берадиган усуллар ва усуллар ҳақида гаплашаман.

2000 йилда мен олган янги маълумот асосида мен бошқа курсни - Анатомия қўшимчалари курсини ўқитишни бошладим. Кейин унинг исми ўзгартирилди ва энди у "Интуитив анатомия" деб номланди. Биринчи дарслар менинг эски идорамда, Айдаҳо штатидаги Чаннинг Вай-да бўлиб ўтди. Ушбу курс тета техникасига қўшимча равишда яратилган бўлиб, одамларга ўзларининг таналарини ва беморларнинг таналарини кўриш ва уларни даволашга ёрдам беради. Ушбу жараённинг асосий усуллари 2003 йилда нашр этилган "Интуитив анатомия бўйича қўлланма" қўлланмасида тасвирланган ва курсларни битирганлар ҳам инструкторлик гувоҳномасига эга бўладилар.

2002 йил охирича мен 35000 га яқин маърузалар ўқидим. Ўзимнинг дарсларим ва семинарларда дарс берган усулларим ушбу китоб учун асос бўлди.



- Lituz.com

Elektron kitoblar

**To'liq qismini Shu tugmani
bosish orqali sotib oling!**